

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

\_\_\_\_\_ А.Умаров

202\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

**“КЕЛИШИЛДИ”**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

\_\_\_\_\_

202\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Рўйхатга олинди: № БД-5111100 – 2.05

202\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

**ЎЗБЕК ХАЛҚ МУСИҚА ИЖОДИ**

**ФАН ДАСТУРИ**

**Билим соҳаси:** 100000 – Гуманитар  
**Таълим соҳаси:** 110000 – Педагогика  
**Таълим йўналиши:** 5111100 – Мусиқа таълим

<b>Фан/модуль коди</b> <b>О'ХММ2008</b>	<b>Ўқув йили</b> 2020-2021	<b>Семестр</b> 6	<b>ECTS - Кредитлар</b> 6	
<b>Фан/модуль тури</b> Мажбурий	<b>Таълим тили</b> Ўзбек/рус		<b>Ҳафтадаги дарс соатлари</b> 14	
<b>1.</b>	<b>Фаннинг номи</b>	<b>Аудитория машғулоти (соат)</b>	<b>Мустақил таълим (соат)</b>	<b>Жами юклама (соат)</b>
	Ўзбек халқ мусиқа ижоди	70	110	180
<b>2.</b>	<p><b>I. Фаннинг мазмуни</b></p> <p>Фаннинг мақсади – педагогика соҳасида мусиқа таълими йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга ўзбек халқ мусиқа ижоди тарихи, маданият ва маҳнавият соҳалари, эҳтиқодлари, шу жумладан бадиий ижодиёт шакллари кўп жиҳатдан ўзбек мусиқа мероси ва унинг қатламларини ўрганишдан, шунингдек, айти вақтда, мазкур фаннинг асосий мақсадларидан яна бири - анъанавий мусиқа ижодиётининг шакл тузилиш хусусиятлари, тарихий маҳаллий услублари каби масалалари юзасидан ҳозирги замон мусиқий фолклористика фанида тўпланган маълумот ва хулосалардан талабаларни хабардор қилишдан иборат.</p> <p>Фаннинг асосий вазифаси - Ўзбек халқ мусиқа ижоди фанининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг назарий ва амалий асослари, халқ мусиқа мероси, қатламлари, илмий амалий масалалари, ўзбек этномусиқашунослини шаклланиш жараёнлари, чолғу ижрочилиги, хонандалик жанрлари таснифи, ўзбек халқ мусиқа ижоди намуналари ва шакллари очиқ беради.</p> <p><b>II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)</b></p> <p><b>III. Фан таркибига қўйидаги мавзулар киради:</b></p> <p><b>1-Модул. Ўзбек халқ мусиқа ижоди тарихи</b></p> <p><b>1-мавзу. Ўзбек халқ мусиқа ижодининг назарий ва амалий тарихий аҳамияти. Фаннинг педагогика ва санъат тизимидаги ўрни</b></p> <p>Кўп асрлик анъанавий мусиқа ижодининг серқатламлиги. Унинг маросим, урф-одат, турли ҳодиса ва тадбирлар билан бевосита боғланган, фольклор, халқ ижоди деб ном олган шакллари. Устозона мусиқа, оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа йўллари - анъанавий мусиқа ижодининг тарихий кўринишлари</p> <p>Ўзбек халқ мусиқа ижоди фани ихтисослик фани сифатида. Талабалар</p>			

Ўзбек халқ мусиқа ва қўшиқчилик ижодиёти, анъанавий мусиқа шакллари билан тарихий-назарий ва амалий (семинар) машғулотлар жараёнида бевосита танишиб олишлари. Халқ қўшиқчилиги анъаналари ва анъанавий мусиқа ижодининг юзага келиши, унинг турли даврларда янгиланиши, мазкур жараёнга асос бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий омилларнинг ўзгариб бориши ҳақидаги хулосаларга эга бўладилар. Қўлга келтирилган ютуқларни таҳлил қилиш фаннинг ижодий жараёнлар билан боғлиқлигини белгилайди.

## **2-мавзу. Ибтидоий жамиятга оид ижод шакллари ва мусиқа ижодиёти келиб чиқиш муаммоси. Ўзбек халқ мусиқа ижодининг ўзига хос томонлари ҳамда асосий мусиқий анъаналари**

Ибтидоий давр одамларининг ҳаёт шарт-шароитлари ҳамда диний қараш, эътиқод ва маросимларининг юзага келиши. Турли топиниш ва эътиқодлар билан боғлиқ бўлган маросимларнинг бадиий-ижровий хусусиятлари.

Анъанавий мусиқа ижодининг ҳаётийлиги ва мазмундорлиги, халқ маънавий қадриятларини сақлаш жараёнидаги аҳамияти. Мусиқа жанрларининг ижтимоий-тарихий шароит, маънавий талаблар ривожига таъсирида ўзгариши. Кўп асрлик анъанавий мусиқа ижодининг серқатламлиги. Унинг маросим, урф-одат, турли ҳодиса ва тадбирлар билан бевосита боғланган, фольклор, халқ ижоди деб ном олган шакллари.

Устозона мусиқа, оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа йўллари - анъанавий мусиқа ижодининг тарихий кўринишлари сифатида. Оғзаки анъанадаги мусиқа услубларининг барчасида ижод ва ижро этиш жараёнларининг муштараклиги. Уларда устоз-шогирд муносабатлари ёрдамида сақланаётган ижодий қонун-қоидалар. Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа санъатининг назарий асосларга ва ижрочилик мактабларига эга бўлиши.

## **3-мавзу. Ўзбек халқ мусиқа ижодининг тарихий ривожига**

Овоз ва қадимги чолғулар воситасида “оммавий ўйин” ва “яккахонлик” шаклларида намоён бўлиши. Мазкур ижровий шаклларнинг мусиқий жиҳатлари ҳамда бирламчи жанр андозалари (нутқдош оҳанглар, ўйин-ракс усуллари, дарак берувчи иборалар ва б.)нинг қарор топиши тўғрисида. Мусиқа чолғуларининг илк шакл ва турлари. Ибтидоий давр одамлари томонидан тайёрланган дастлабки “мусиқа қуроллари”. Қадимги давр маросимларда ҳамда турмуш юмушларида мусиқа қуролларининг

бajarган вазифалар.

#### **4-мавзу. Илк ишлаб чиқариш иқтисодиёт тизимида оҳангдор услубининг шаклланиш хусусида**

Чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчиликка асосланган иқтисодиёт тизимида оҳангдор муסיқа услубининг шаклланиш хусусида. Одамларнинг ўтроқ яшаш тарзига ўтиши, дастлабки қишлоқ-овул жамоаларининг пайдо бўлиши даврида инсон онгида рўй берган туб ўзгаришлар тўғрисида. Фаслларнинг узвий айланиб туриш жараёнини акс эттирувчи мавсум маросимлар силсиласи ва унга оид айтим турлари қарор топиши. Айни пайтда, ҳаёт туркумига оид оилавий маросим айтимлар мажмуаси юзага келиши. Мазкур маросимларнинг маънавий яқинлиги. Маросим кўшиқларининг оҳангдорлиги, муаян сўз ва оҳанг ибораларга асосланганлиги. Уларда банд, банд-нақарот шакллари ривож топиши, ўйин қаракатларини ёки нутқдош айтимларнинг ритм хусусиятларини ифодаловчи муסיқий ва шеърий вазнлар ҳамда ритмик услубларнинг юзага келиши. Муаян ритм “қолип”ларига ҳамда парда тузилмаларига таянган оҳангларнинг юзага келиши, бунинг натижасида оҳангдор муסיқа услуби шаклланиши.

#### **2-Модул. Халқ муסיқси**

#### **5-мавзу. Ўзбек муסיқий фольклори**

Ўзбек муסיқий фольклори хусусида. Муסיқий фольклор ва унинг кўпқирралиги. Ўзбек муסיқий фольклор жанрлари таснифи. Халқ кўшиқлари ва чолғу куйлари. Маросим ва шартланмаган фольклор жанрлари.

#### **6-мавзу. Ўзбек маросим муסיқаси таснифи**

Ўзбек маросим муסיқаси тарихидан. Халқ маросимлари, байрамлари, урф-одатлари, уларнинг тушунчалари. Шартланмаган фольклор жанрлари. Кўшиқ жанрлари ва уларнинг таснифи. Халқ кўшиқлари хусусиятлари ва ижрочилик анъаналари. Ўзбек муסיқий чолғулари, уларнинг таснифи ва анъанавий ансамбллар. Тарихий жараён. Анъанавий чолғу муסיқасининг жанр таркиби – халқ ва мумтоз муסיқаси, уларнинг тавсифи. Ўзбек муסיқий чолғулари ва анъанавий чолғу муסיқаси.

#### **7-мавзу. Ўзбек халқ муסיқа ижодида маҳаллий услублар**

Тошкент-Фарғона маҳаллий услуби, Бухоро-самарқанд маҳаллий услуби, Сурхондарё-Қашқадарё маҳаллий услуби, Хоразм маҳаллий услуби. Достончилик ижодиёти, Бахши-шоир ижрочилик анъаналари.

### **8-мавзу. Ўзбек мумтоз мусиқаси**

Ўзбек мумтоз мусиқаси хусусида, таснифи, тарихий замини, хусусиятлари. Профессионаллик, касбийлик мезонлари. Устоз-шогирд услубий таълими. Анъана ва услуб. Ижрочилик мактаблари. Ўзбек мумтоз мусиқасининг тарихий тараққиёти. Катта ашула ва унинг ижрочилик анъаналари. Унинг хусусиятлари, ижро шarti ва услуби. Мазмуни ва турлари. Жанр таснифи. Мусиқий қонуниятлари. Йирик намояндalари. Ўзбек дoстoнлари, унинг ижрочилик санъати. Жанр келиб чиқиши, унинг шаклланиши ва тарқалиши. Ижрочилик мактаблари. Маҳаллий хусусиятлари.

### **9-мавзу. Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа услубларининг қарор топиши**

Марказий Осиё ҳудудида синфий жамият ва илк давлатлар топиши даврида янги маърифий-маънавий анъаналар, умумдавлат динларининг ривож топиши. Қабилa, қишлоқ жамoа маросимлари билан бир қаторда умумхалқ байрам ва тантаналарининг жорий этилиши. Сиёсий, диний ҳамда ижодий марказлари бўлган шаҳарларнинг аҳамияти, шаҳар маданиятининг ўрни. Бу давр фалсафа, математика фанлари катори мусиқа илмининг юзага келиши. Буларнинг профессионал мусиқа санъатининг юксалиш жараёнига таъсири. Мусиқа касбига оид афсона ва ривоятлар, ижодий тартиб-қоидаларни баён этувчи мусиқа рисолаларининг яратилиши ҳамда мусиқа назариясининг ривожланиши. Профeссионал созанда-хонанда гуруҳларининг фаолияти ва бастакорлик ижодиёти. Мусиқа ижрочилигининг раvнақ топиши, мусиқа шакллари<sup>нинг</sup> такомиллануви, туркумли йирик асарларнинг юзага келиши.

### **10.Мавзу. Ислom динига қадар мусиқий анъаналар. Ислom динининг мумтоз мусиқа анъаналар ривожидa ўрни ва аҳамияти.**

Ислom динига қадар Ўрта Осиёда мусиқий анъаналарнинг қарор топиши. Ислom дини ва унинг таъсирида мумтоз мусиқа анъаналарнинг ривожланиши. Мақом ва мақом. Тасаввуф ва мусиқа. Етти мақом ва унинг тарихий аҳамияти.

### **11.Ўн икки мақом тизимининг ривожланиш босқичлари.**

Ўрта Осиё ва Хуросонда ўн икки мақом тизимининг таркиб топиши. Ўн икки мақом ва ўн икки бурж юлдузи. Ўн икки мақом таркибидаги асарлар ва уларнинг эрамизнинг XVIII асрга қадар сақланиш жараёнлари.

### **12-мавзу. Мақомот. Мақом йўллари ва уларнинг таркиб топиш шарт-шароитлари**

Мақомот, унинг тарихий тараққиёти. Нота ёзувлари. Илмий нашрлар. Шарқ халқлари мақом санъати. Мақом тушунчасининг таърифлари, унинг

турли маҳаллий вариантлари. Ўрта аср “Ўн икки мақом” тизими. Умумназарий ва амалий асослари. Манбалар. Хоразм танбур чизиғи.

Бухоро Шашмақоми. Унинг негизи ва шаклланиши. Тарихий тараққиёти. Шашмақом – ўзбек ва тожик халқларининг етук анъанавий мумтоз мусиқаси туркуми сифатида. Унинг тузилиши, таркиби. Ижрочилик анъаналари.

Хоразм мақомлари. Тарихий тараққиёти, шаклланиши. Туркум таркиби. Нота ёзувлари ва тўлиқ (мукаммал) нашрлар. Хоразмда мақом асарлари ва туркумларининг мавжудлиги. Суворалар, дутор мақомлари ва б.

Фарғона-Тошкент мақом туркумлари. Шашмақом ва Хоразм мақомлари билан умумий ва ўзига хослик жиҳатлари. Маҳаллий хусусиятлари. Ижрочилик анъаналари. Мустақил асарлар кўринишида етиб келганлиги. Ушшоқ, Ёввойи мақом, сурнай йўллари.

Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятида мақом санъати. Тарихий тараққиёти. Терминологик яқинлиги, умумийлиги. Шакл хусусиятлари, лад тузилиши, ижро асослари. Озарбайжон муғомлари, уйғур муқомлари. Тузилиши, таркиби. Умумийлиги ва ўзига хослиги. Ижрочилик анъаналари. Мақомот ва илмий тадқиқот тараққиёти.

### **13-мавзу. Анъанавий касбий мусиқанинг тарихий ва назарий аҳамияти**

Мусиқа илми иккита асосий (тарихий ва назарий) фанлар гуруҳига тақсим этилиши. Бунинг илмий услубиёт нуқтаи назаридан асосланиш мезонлари ва нисбийлик даражаси. Мусиқий фолклористика мусиқа фанлари тизимида. Ўзгарувчанлик ва анъанавийлик оғзаки мусиқа ижодининг асосий омиллари ҳақида. Анъанавий мусиқа ижодининг кўпинча синкретик ҳолатда юзага келиши. Унда шакл ва мазмун томонлари юқори даражада ўзаро боғланганлиги. Умумилмий усуллар ва анъанавий мусиқа ижодини тадқиқ этиш даража ва поғоналари хусусида. Мусиқий фолклористика фанида назарий ва тарихий ёндошувларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида.

### **14-мавзу. Анъанавий мусиқа ижодиётининг акустика ва лад хусусиятлари**

Анъанавий мусиқа товушларининг садоланиш жиҳатлари ва кўповозлик мусиқа услубларига нисбатан ўзига хос томонлари. Анъанавий мусиқа чолғуларининг тембр хусусиятлари, уларнинг шу жиҳатидан хилма-хиллиги ва ўзига хослиги. Анъанавий ансамблларнинг тузилиш мезонлари. Оғзаки анъанадаги мусиқа услубларида овоз акустикаси. Товушқаторларнинг тарихий ривожига ҳақида. Қадимги, товушқатори шаклланмаган услубларнинг акустика жиҳатлари. Анъанавий мусиқада диатоника товушқаторларининг устунлиги. Математик қоидалар асосида ташкил топган товуш тузилмаларининг анъанавий мусиқа учун тарихий аҳамияти.

“Пардалар тузилмаси” тушунчасининг қискача таърифи ва унинг

оғзаки анъананадаги мусиқа учун аҳамияти. Пардалар тузилмалари муаян мусиқа услубига оид куй-наволарнинг умумлашма сифатида намоён бўлиши; анъанавий мусиқада парда бирикмаларининг оҳангдорлик моҳияти хусусида. Парда тузилмаларининг асосий функционал кўринишлари. Парда тузилмаларининг тарихий ривож, турли функционал кўринишларнинг анъанавий мусиқа услуб ва турларига алоқадорлиги. Лад тизимидаги парда кўшилмаларига оид бўлган такрорланиш ва турланиш (ўзгарувчанлик) ҳамда динамика каби функционал омиллар ҳақида.

### **III. Амалий ва семинар машғулоти буйича кўрсатма ва тавсиялар**

**((амалий машғулоти), (Курс иши), (Мустақил таълим) ўқув режада кўрсатилган тури (номи) буйича ёзилади)**

Амалий машғулоти учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Оилавий маросим айтимлари намуналаридан ижро этишни ўрганиш.
2. Мавсумий маросим айтимлари намуналаридан ижро этишни ўрганиш.
3. Меҳнат маросим айтимлари намуналаридан ижро этишни ўрганиш.
4. Диний айтимлари намуналаридан ижро этишни ўрганиш.
5. Эркин мавзули асарлар намуналаридан ижро этишни ўрганиш

Амалий машғулоти мусиқий чолғулар, мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулоти фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

### **IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун ўқитувчи томонидан қуйида тавсия этилган халқ мусиқасига оид мусиқий асарлар намуналарини ёддан куйлаб топширишлари шарт бўлади:

1. Оилавий маросим айтимлари намуналаридан ижро этиш.
2. Мавсумий маросим айтимлари намуналаридан ижро этиш.
3. Меҳнат маросим айтимлари намуналаридан ижро этиш.
4. Диний айтимлари намуналаридан ижро этиш.
5. Эркин мавзули асарлар намуналаридан ижро этиш
6. Мақом асарларини намуналарини тинглаш ва ижро этиш

Мустақил ўзлаштирилган мавзулар буйича мусиқа асарлари

	талабалар томонидан куйлаб бериш орқали амалга оширилади.
3.	<p><b>V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)</b> Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ўзбек халқи ҳаётининг турли тарихий даврларидаги энг муҳим муסיқий-тарихий жараёнларни; ранг-баранг чолғуларини, бой ижрочилик анъаналарини; халқ муסיқасининг таркибий қисмларини, ижрочилик хусусиятларини; оғзаки касбий мумтоз муסיқаси ҳамда ҳозирги замон Ўзбекистон композиторлик ижодиётини; ўзбек анъанавий ашула ва чолғу жанрлари, мақом турларини, нота ёзувларини; анъанавий муסיқани ўрганиш услубиятини, жанрлари ва услубий тизимини; анъанавий муסיқани ўрганишга оид замонавий услубларини <i>билиши керак</i>;</li> <li>• халқ оғзаки ижоди ҳамда касбий мумтоз муסיқа ва бастакорлик ижодиёти асарларини таҳлил этиш асосий услубларини эгаллаш <i>қўникмаларига эга бўлиши керак</i>;</li> <li>• миллий муסיқа анъаналарининг муштарак ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш; акустик, ритмик, оҳанг, лад, тузилиш, безак ва ижровий таҳлил қилиш <i>малакаларига эга бўлиши керак</i>.</li> </ul>
4.	<p><b>VI. Таълим технологиялари ва методлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• маърузалар;</li> <li>• интерфаол кейс-стадилар;</li> <li>• семинарлар (мантиқий фиклаш, тезкор савол-жавоблар);</li> <li>• гуруҳларда ишлаш;</li> <li>• тақдимотларни қилиш;</li> <li>• индивидуал куйлаб бериш;</li> <li>• жамоа бўлиб куйлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.</li> </ul>
5.	<p><b>VII. Кредитларни олиш учун талаблар:</b></p> <p>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма (амалий) ишни топшириш.</p>
6.	<p><b>Асосий адабиётлар</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Cathrine Sadolin. Complete vocal technique. 2012. <a href="http://www.Completevocalinstitute.com">www.Completevocalinstitute.com</a></li> <li>2. American popular music. Larri Star &amp; CHristopher Waterman. Oxford Universite Press. Inc. 2007.</li> </ol>

3. Ўзбек мусиқаси тарихи. Т., 1981.
4. Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Т., 1963.
5. История музыки Средней Азии и Казахстана. М., 1995.
6. Матёкубов О. Оғзаки анъанадаги профессионал музика асосларига кириш. Т., 1983.
7. Визго Т.С. Музыкальные инструменты Средней Азии. М., 1980.
8. Иброҳимов О. Мақом ва макон. Т., 1997.
9. Кароматов Ф.М. Узбекская инструментальная музыка. Наследие. Т., 1972.
10. Ражабов И. Мақом асослари. Т., 1992.
11. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Т., 1993.
12. Соломонова Т.Э. Ўзбек мусиқаси тарихи. Т., 1981.
13. Ибрагимов О. “Ўзбек мусиқа ижоди”. 1990 й.
14. Панжиев Қ. Ўзбек халқ мсиқа ижоди. Ўқув қўлланма. 2020 й.

#### **Қўшимча адабиётлар**

15. Ш.М.Мирзиёев Танкидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11
16. Ш.М.Мирзиёев Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Тошкент “Ўзбекистон” – 2017й.
17. Ш.М.Мирзиёев Эркин ва фаравон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2016й.
18. Ш.Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2016й.
19. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 1-илова: “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 8 февраль сони ва Интернет ресурс: [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
20. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 46
21. Кароматов Ф.М. Ўзбек халқи музика мероси. XX аср. 1- китоб. Т., 1978, 1982.

	<p>22.Ўзбек халқ кўшиқлари. Тузувчи Е.Романовская. 1-2 китоб. Т., 1939.</p> <p>23.Ўзбек халқ мусиқаси. 1-8 жилдлар. Ю.Ражабий, М.Юсупов ёзувлари. Т., 1955-1961.</p> <p>24.Романовская Е. Хоразм халқ мусиқаси. Т., 1939.</p> <p>25.Успенский В. Шесть музыкальных поэм (Шашмаком). Бухара, 1924.</p> <p>26.Шашмаком в 1-5 тт. Записи Файзуллаева Б., Сахибова С.Н., Вахобова Ф.М., 1950-1967.</p> <p>27.Хоразм макомлари. 5 китоб. М.Юсупов ёзуви. Т., 1980-1987.</p> <p>28. Шаноз-Гулёр. В.Успенский ёзуви. Т., 1956.</p> <p>29.Шашмаком 1-6 ж. Ю.Ражабий ёзуви. Т., 1966-1975.</p>
7.	<p>Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 202__ йил “__” _____ даги _____ -сонли баённомаси билан маъқулланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202__ йил “__” _____ даги _____ - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.</p>
8.	<p><b>Фан/модуль учун масъуллар:</b></p> <p>Қ.Б.Панжиев - ТДПУ, “Мусиқа таълими” кафедраси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди;</p> <p>У.Ю.Юлдошев - ТДПУ, “Мусиқа таълими” кафедраси ўқитувчиси;</p> <p>Ф.Сапаева - ТДПУ, “Мусиқа таълими” кафедраси ўқитувчиси.</p>
9.	<p><b>Такризчилар:</b></p> <p>С.Д.Дўстов – БухДУ доценти, педагогика фанлари номзоди.</p> <p>С.Б.Саидий – НавДПИ “Мусиқа таълими” кафедраси профессори, санъатшунослик фанлари номзоди, академик.</p>

ДОЙМХА

ДОЙМХА